

ТАРАҚҚИЙОТ

IJTIMOIY-SIYOSIY VA HUQUQIY GAZETA

2023 yil 11 Fevral, Shanba. № 3 (2703)

internet saytimiz: Taraqqiyot24.uz | Elektron manzil: qiziriq_taraqqiyot@umail.uz

Ташриф тафсилотлари

ҚИЗИРИҚДА ЯНГИЛАНИШ, ЯРАТУВЧИЛИК ИШЛАРИ АВЖ ОЛМОҚДА



2025 йилнинг март ойида Қизиріқ тумани ташкил этилганлигига 50 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида чўлни ўзлаштириш учун мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган оловқалб инсонларнинг болалари, неваралари бугун ота-боболари барпо этган кишлоқ-маҳаллаларда умргузаронлик қилиб келишмоқда.

Дастлабки йиллар ўзининг пахтағаласи, сабзавот ва полизлари, ширин-шакар узум ва мевалари билан машхўр бўлган туманининг ўша шон-шухратини тиклаш вилоят ҳокими Улугбек Қосимовнинг иш режаларидан алоҳида ўрин олган бўлиб, аввало аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун зарур бўлган барча шароитлари яратиш учун қурилиш, ободончилик, яшил ҳудудлар барпо этиш, янги иш жойларини яратиш учун ўзгача бир шиддатли кўчгайрат, жипслик, бир сўз билан айтганда уйғониш, дахлдорлик вужудга келди.

Вилоят ҳокими дастлабки иш кўнларининг бирида Қизиріқ туманидаги "Истиклол" маҳалласига келиб, аҳолининг турмуш тарзи билан танишган ва бу жойда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ ва қатъий топшириқлар берганлиги тўғрисида газетамизда "Истиқлол"-номига монанд маҳалла бўлади" сарлавҳали мақола орқали маълум қилган эдик. Ўтган ҳафтанинг жума куни эса вилоят ҳокими шу топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида маҳаллага яна ташриф буюрди.

Ўтган бир ой мобайнида маҳалла маъмурий биноси янгидан қурилиб, замонавий кўринишга келтирилган. Ичимлик суви тармоқлари тортилиб, хонадонлар сув билан таъминланган. Кўчалар, ариқлар ва мавжуд зовурларда тозалаш ишлари олиб борилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш давом эттирилмоқда.

Аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ангор туманининг "Баҳор" маҳалласидан томорқадан фойдаланишни яши йўлга қўйган миришкор дехқон, тадбиркор жалб қилиниб, унинг тажрибаси маҳаллада жорий қилинибди. Намуна учун иккита хонадонда иссиқхоналар қурилилиб, бирида помидор етиштириш, бирида эса қўчатчилик йўлга қўйилган.

Шу каби ишлар эътироф этилиб, қиш охирида бораётган бир пайтда, бу ишларни узлуксиз давом эттириш юзасидан топшириқлар берилди.

Шундан кейин вилоят ҳокими Қизиріқ тумани марказидаги дехқон бозорини реконструкция қилиш ва қўп қаватли турар жойлар қурилиши бўйича лойиҳалар тақдими билан танишгач, "Оқжар" маҳалласи ҳудудидаги 3,3 гектар майдонда жойлашган "Истара дехқон бозори"ни қайта реконструкция қилиш бўйича умумий қиймати 15,8 млрд сўм бўлган лойиҳани тақомиллаштириш, соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда шахарсозлик нормаларига мослаш, бозор ҳудудида сотувчилар ва харидорлар учун зарур шароитлар яратилиши таъкидланди.

Бундан ташқари ҳудудда олиб борилаётган ҳунармандчилик маркази қурилишини яқунлаш, ҳудудни ободонлаштириш ҳамда "Қизиріқ автошоҳбекати"ни «Наврўз» байрамига қадар фойдаланишга топшириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда бошпанасиз,

оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича белгилаб берган топшириқларига мувофиқ Қизиріқ тумани "Работак" маҳалласида ана шундай хотин-қизларни ихара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун бино сотиб олиниб, 30 та хонадонни, икки қаватли турар-жойда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят раҳбари ижтимоий уй-жой ташкил этиш учун танлаб олинган ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган бинони кўздан кечириб, аҳоли яшashi учун қўлай шароитлар яратиш, таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш лозимлигини ало-



ҳида ўқдириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 30 декабрдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қизиріқ тумани "Шодлик" маҳалласида 2,6 гектар майдонда "Яшил боғ" ташкил этиш лойиҳаси ишлари бошлаб юборилди. Янги боғ ҳудудида дарахт қўчатлари экиш ақцияси ўтказилди. Унда вилоят ҳокими Улугбек Қосимов иштирок этди.

Ақцияда боғ ҳудудида манзарали ва мевали дарахт қўчатлари экилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик фаоллари иштирок этишди.

Ушбу борда келгусида ишсиз шахсларни, биринчи навбатда, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га қиритилган фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш режалаштирилган.

Шу кўнларда Қизиріқ туманида ички йўлларни таъмирлаш бўйича махсус тактик ўқув машғулотни ўтказилмоқда Вилоят ҳокими, фуқаро муҳофазаси бошлиғи Улугбек Қосимов ана шу тактик ўқув машғулотни тадбирларида иштирок этди. Тадбирдан қўзланган асосий мақсад, махсус ўқув машғулотни доирасида барча куч ва воқиталарни жалб қилган ҳолда Қизиріқ туманидаги ички йўлларни таъмирлашдан иборат.

Вилоят ҳокими, фуқаро муҳофазаси бошлиғи тактик ўқув машғулот иштирокчилари ва бригадалар билан учрашиб, махсус техникалар билан танишди. Масъулларга йўлларни таъмирлаш, маҳаллалар

инфратузилмасини яхшилаш ишларини сифатли бажариш бўйича кўрсатмалар берди.

Туманда 180 км ички йўлларни таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, шу кўннинг ўзида тадбирга старт берилгач "Зарбдор" ва "Истиклол" маҳаллаларидаги 5 км ички йўллар тошланди.

Туманининг "Боғбонлар юрти" маҳалласида жойлашган Академик Махмуд Мирзаев номидаги илмий текшириш институтининг Бандихон тажриба ҳўжалигида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг қўшимча даромад топишлари ва меҳнат қилишлари учун шароит яратиш мақсадида 150 гектар ер майдони 300

нафар ишсиз, банд бўлмаган ёшларга 50 сотихдан ажратиб берилди. Бу билан ана шу ёшларнинг ўзини-ўзи банд қилишлари ҳамда даромад топишлари учун шароит яратилди.

Шунингдек, тадбир доирасида Қизиріқ туманида амалга оширилиш режалаштирилган қатор лойиҳалар, жумладан, "Ecoorhouse" МЧЖнинг бино ва иншоотларга безак бевуви полимер копламалар ишлаб чиқариш, "Surxan eco fruit" МЧЖ томонидан полиз экинларини етиштириш, "Surxon cotton textile cluster" МЧЖ ХКнинг наппанда гўштини қайта ишлаш ҳамда туҳум етиштиришга мўлжалланган паррандачилик комплекси, тайёр тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сўт ҳамда гўштни қайта ишлашга мўлжалланган чорвачилик комплекси ташкил этиш, "Жануб тоғ дилёри" фермер ҳўжалиғи томонидан ба-ликчиликни йўлга қўйиш, "Қизиріқ Инвест" МЧЖнинг чиқиндини саралаш ва қайта ишлаш ҳамда ҳўжалик қозғоши ишлаб чиқариш, тиббий хизмат кўрсатиш маркази ташкил этиш лойиҳалари билан танишган вилоят ҳокими ҳар бир лойиҳа юзасидан тадбиркорларга тавсиялар, масъулларга кўрсатмалар берди.

Хуллас, янгиланаётган Қизиріқ туманида ана шундай ҳаётий янгилар, яратувчанлик ишлари авж олаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган инсонга эътибор ва ғамхўрлик тўғрисидаги вазибалар ижросига вилоятда ҳамда туманларда жипслик, фидойилик билан қиришилаётганлигидан далолатдир.

(Ўз мухбиримиз).

Ерни боқсанг, ер сени боқади



НАМУНАЛИ ТОМОРҚАЧИЛАР



-Туман аҳолисига тегишли бўлган томорқа ерлари 4253 гектарни ташкил этади. -дейди Қизиріқ туман дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ч. Бекматов. -Агар бу ерларнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланилса, Қизиріқ чинакам маъмуричилик марказига айланади. Биз ана шунга эришиш учун томорқачиларга давлатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиғи сиёсатини тушунтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунинг учун ҳам ерни чинакам даромад манбаига айлантириб, рўзгорини бут қилаётган, бозорларимиз тўқинлигини ошираётган омилкор фуқарларимиз тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, тумандаги "Халқобод" маҳалласи томорқачилари турли хил сабзавот, полиз экинлари кўчатларини етиштириш ҳадисини олишган. Айни кўнларда хатто қўшни вилоятлардан ҳам бу маҳаллага келаётган харидорлар жуда кўп, худди шундай. "Гүлобод", "Наврўз", "Зарбдор" каби маҳаллалардаги фуқаролар томорқа ери хазина эканлигини заҳматли меҳнат туфайли эришаётган натижалари билан исботлаб келмоқдалар. Бундай миришкорлар ҳаттоки туман марказидаги маҳаллаларда ҳам кўп. Ана шундай фуқароларимиздан Знафариға "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари топирилди. Тумандаги "Боғбонлар юрти" маҳалласида истикомат қилувчи Чори Рўзиев оиласи ҳам дехқончилик-чорвачиликка меҳр қўйган. Чори Рўзиевнинг асли касби рус тили ва адабиёти ўқитувачиси. Тумандаги 44-, 45-, 20-умум-

таълим мактабларида ишлаб, пенсияга чиққан. 63 ёшни қаршилаётган бу зиёли-боғбоннинг томорқачисини кўрган кишининг ҳайрати ошиб, беихтиёр тасаннолар айтиши аниқ. Сабаби, 20 сотиҳ томорқа ерида энг сархил ўрик, олма, шафтоли, бодом, нашвати каби 20 турдан ошиқ дарахтлар мўл ҳосил бериб келмоқда. Бундан ташқари эртами сабзавот ва полиз қўчатлари ҳам етиштирилади. Дарахтларни буташ, шакл бериш, озиклантириш ишларини моҳирона бажарадиган домла ишга ҳам дехқончилик илми, ҳам тажрибаси билан ёндошар экан. Энг қизиги, 63 ёшли бу одам кўринишидаги 40 ёшли забардаст йигитдай кўркли, боғ қай-чисини ҳам, кетмонини ҳам моҳирона ишлатади.



-Одамни меҳнат ёшартиради. -дейди Чори боғбон. -Агар ўқитувчиликдан оладиган пенсиямга қаноат қилиб, уйда ётсам, аниқ ҳозир мун-кайиб қолар эдим. Мана шу боғ ту-

файли 5 нафар фарзандларимни тарбиялаб, вояга етказиб, уйли-жойли қилдим. Улар ҳам ўзимдайин дехқончиликка меҳр қўйган. Боғ оралаб, беихтиёр тасаннолар айтиши аниқ. Сабаби, 20 сотиҳ томорқа ерида энг сархил ўрик, олма, шафтоли, бодом, нашвати каби 20 турдан ошиқ дарахтлар мўл ҳосил бериб келмоқда. Бундан ташқари эртами сабзавот ва полиз қўчатлари ҳам етиштирилади.

Боғни боқсанг боғ бўлар, Ботмон дахсар ёғ бўлар. Боқимсиз боғ тоғ бўлар, Юрак-бағринг доғ бўлар. Домланинг боғбонлиқка бўлган ҳаваслари бежизга эмаслигини ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишонини изидан ҳали кўплаб мукофот ва рағбатларга сазовор бўлишларини чин юракдан хис қилдик.

лари эса гўёки рассом қўли билан чизилган нақшга ўхшайди. Яқинда "Намунали томорқачи" кўкрак нишонини билан тақдирланган Холида опа томорқада ишлаш сеvimли машғулути эканлигини, бу борада қайно-таси Эшқобил боғбоннинг маслаҳатлари қўл келаётганлигини таъкидлади.

"Янги кент" маҳалласида яшовчи ўқитувчи Жангиров Абсоат бўш вақтини томорқада ўтказди. Унинг 15 сотиҳ ери бўлиб, турли мева-ли дарахтлар ва сабзавотлар экилган. Йилнинг тўрт фаслига мослаб экинлар экадиган домла ўз ишлари ҳақида шундай дейди:

-Томорқамга ҳеч қачон трактор ораламаган, барча ишларни ўз қўлим билан бажараман. Албатта бу ишларимда турмуш ўртоғим ва фарзандларим менга кўмакчи. Бу йилги кишининг совуқ келиши айрим экинларимизга зарар келтирган бўлса-да, мен бундай табиат инжиқликларидан сира қўчимаيمان. Қўлимдан келганча ана экинларни экиб парваришлайвераман. Мана шу томорқадан даромадларимга янги уй қурдим, машина олдим...

Биз барча намунали томорқачиларнинг дехқончилик ишларига омад, ҳосилига барака берсин дея тилак билдирдик. Зеро дунёда озиқ-овқат тақчиллиғи хавфи вужудга келаётган бир пайтда, юртимизнинг меҳнатқаш фермер ва томорқачиларнинг кучгайрати таҳсинга лойиқ.

Жумабой САФАРОВ.

Сессия

Йигирматадан ортиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия якунида туман ҳокими Ш. Ражабов сўзга чиқди.

А. Эгамов,
Халқ депутатлари
туман кенгашининг
бош мутахассиси.

СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ҲИСОБОТ БЕРИШДИ

Халқ депутатлари Қизиріқ тумани Кенгашининг навбатдаги 60-сессиясида 2022 йил давомида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" асосида амалга оширилган ишлар бўйича сектор раҳбарлари: туман ҳокими Ш. Ражабов, туман прокурори Ж. Рахимов, ички ишлар

бўлими бошлиғи Ў. Ҳўжамқулов, Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А. Абдуллаевларнинг ҳисоботлари эшитилди. Сектор раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фа-

олиятини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4102-сонли қарорига асосан туманда амалга оширилган ишлар ва бу борадаги вазифалар тўғрисида кенг тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, депутатлар туманинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига оид

9 ВА 14 ФЕВРАЛЬ-ИККИ БУЖОК
БОБОЛАРИМИЗ МАВАЛИМУД КУНЛАРИ



Низомиддин
мир Алишер
Навоий

Ҳикматлар

Haq yo'linda kim senga bir harf o'qitish ranj ila,
Aylamak bo'lmas ado, oning haqin yuz ganch ila.

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-қунигга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Кимки бир кўнгли бузқўннинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Кишиким қилса олимларга таъзим,
Андоқки қилур пайғамбарга таъзим.



JONG'A CHUN
DERMEN

Jong'a chun dermen: "Ne erdi o'lmakim kayfiyati?"
Derki: "Bois bo'ldi jism ichra marazning shiddati".

Jismdin so'rsamki: "Bu za'fing'ga ne erdi sabab?"
Der: "Anga bo'ldi sabab o'tluq bag'ining hirqati".

Chun bag'irdin so'rduim, aytur: "Andin o't tushti manga
Kim, ko'ngulga shu'la soldi ishq bargi ofati".

Ko'ngluma qilsam g'azab, ayturki: "Ko'zdindur gunah,
Ko'rmayin ul tushmadi bizga bu ishning tuhmati".

Ko'zga chun dermenki: "Ey, tardomani yuzi qaro,
Sendin o'lmish telba ko'nglumning baloyu vahshati".

Yig'lab aytur ko'zki: "Yo'q erdi manga ham ixtiyor
Ki, ko'rundi nogahon ul sho'xi mahvasal tal'ati".

Ey Navoiy, barcha o'z uzrin dedi, o'lguncha kuy
Kim, sanga ishq o'ti-o'q ermish azalning qismati.

Заҳириддин
Муҳаммад
Бобур

Ғазал

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни грифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.



РУБОИЙЛАР



Ҳар кимки вафо қилса вафо топгусидур,

Ҳар кимки жафо қилса жафо топгусидур,

Яхши киши ёмонлиғ кўрмагай ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топгусидур!

Тақдир юки бошимга балолиғ бўлди,

Ҳар неники айладим ҳатолиғ бўлди,

Ўз юртни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ё Раб нетайин, бу не юз қаролиғ бўлди.

Жондин сени кўп севармен эй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен эй умри азиз,

Ҳар неники севмак ондин ортиқ ўлмас,

Ондин сени кўп севармен эй умри азиз.

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райхон,

Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.

Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур,

Райхон хатинг, қадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Тафохур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур,

Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.

Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,

Бордур магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафохур.

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг.

Парийдек сени кўрдум эмассен магар инсон.

Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек.

Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур,

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,

Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.

Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,

Васлинг манда даводур, ҳажринг манга балодур.

Чу Бобур санга қулдур, назар қил анга зинҳор,

Мурувват, футувват,
шижоатда тенги йўқ аллома

Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” (“Ғазилатли хулқлар”) асарида ҳазрат Новойнинг бадиият бобидаги иқтидорини таъкидлаб : “ҳазратнинг шеър турларининг барчасидаги маҳорати шу даражага етгандики, агар илгариги даврларда яшаб ўтган шоирлар ҳазратнинг муборак замонларигача етиб келишганда эди, шеър ёзадиган дафтларларини ёпиб, яъни шеър ёзишни йиғиштириб қўйган бўлишарди” деган инжа фикрларни келтиради.

Мурувват, футувват, саховат, ши-жоат каби олий инсоний ғазилатлар-ни юксак мақомларда қўйлаган шоир, “Сўз амали билан ғўзан” иборасига амал қилиб, юртнинг ободлиги, эл-нинг осойишта ва фаровонлиги учун шундай улғу-хизматлар кўргузадики, бутун қурраи замин шоиру арбобла-ри ҳавас қилса арзийди.

Амирлик чоғларида У киши қур-дирган юздан ортиқ работ, ҳровуз, кўприк ва ҳаммомлар халқ ҳожатини беминнат раво айлаган. Тағин “Ма-қорим ул-ахлоқ” да келтирилишича: ҳар йили икки мингга яқин пўстин, чак-мон, қўйлак, иштон, енгил дўппи ва оёқ кийимларини муҳтож кишиларга улашганлар. Ўзлари барпо этирган

“Халосия” хонақоҳида ҳар қуни минг-дан зиёд қашшоқ ва мискинларни лаз-затли таомлар билан сийлаганлар.

Бундан ташқари, шайх Фаридуд-дин Аттор сингари яна ўнлаб тариқат пирларининг қабрлари қошида хона-қоҳлар бунёд эттирганлар. Айниқса, талабаларнинг моддий қийинчилиқлар кўрмасдан, бемалол таълим олишлари учун нафақалар тайинлашлари, “Ихлосия”, “Шифоия”, “Низомия”, “Хусравия” каби кўркам мадрасалар қурдиришлари халқ маданияти ва маърифатининг юксалишида бебаҳо омил бўлган.

У мадрасаларда нафақат подшоҳ-лик тасарруфидоги маъволардан, бал-ки дунёнинг турфа мамлакатларидан талабалар келиб, ўз билимларини тақомилга етказишган.

Бу беқийс хайру саховатларни ҳаз-рат Новойи ҳар қандай таъмалардан

холи, ҳаққа чин ихлослари, халққа зўр муҳаббатлари боис қилганлар, қалб-лари иймон нурларига қўмилиб, руҳ-лари ҳикмат денгизида қўмилиб:

Мурувват барча бермақдур, емак йўқ,

Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ, дея назимий дурлар терганлар ва бунга монанд дурлар ҳазинасини ав-лодларга мерос қолдирганлар.

Бугун биз – ўзини ҳазратга ворис ҳисоблайдиган “саховатпеша”лар ар-зимас эҳсон-ҳадяларимизни фото ва видео тасвирларга олиб, интернет тармоқларига жойлашдан, намойиш-корона мақтанишдан уялишимиз ва асл хайру саҳони ул зоти бобарокат-дан ўрганишимиз керак!

Ушбу саҳифани ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Миржалоли Холиқов тайёрлади.

Taraqqiyot MUASSISLAR: Xalq deputatlari Qiziriq tuman kengashi va tuman hokimligi. 1975 yil 9 dekabrda chiqa boshlagan	BOSH MUHARRIR: Chori ALIMOV	MAS'UL NAVBATCHI: T.CHORSHANBIYEV	190800 Manzil: Qiziriq tuman «Rabotak» mahallasi, U. Nosir ko'chasi, 1-uy. Tel: (76)35-91-149	MATN TERUVCHI VA SAHIFALOVCHILAR: B. PARDAYEV, B. JO'RAYEVA.
	Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi.	Gazeta Surxondaryo viloyati Matbuot va Axborot hududiy boshqarmasida 09.04. 2010 yilda № 11-007 raqami bilan ro'yxatga olindi.	Bichimi-A-2. Adadi-2000 Buyurtma Г_____	Bosishga topshirish soat 10.00. Bosildi: soat 12.00.
		Nashr indeksi-64830 Bahosi-kelishilgan narxda	Gazeta tahririyat kompyuter markazida terilib, sahifalandi.	Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A-uy. Tel:76-224-22-92.